



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 6 (12.819)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ватан — улуг, бурчим муқаддас

Ҳарбий қисмга борганимизда аскарлар эрталабки бадантарбия машғулотларини яқинлаб, нонушта қилаётган экан. Атроф осуда. Мусаффо осмон узра таралган қуёш нурлари ажиб манзара касб этган.



Аъло Абдуллаев (УзА) олган сурат

ТИНИҚ ТОНГЛАРИМИЗ ҲИМОЯЧИЛАРИ

— Мана шундай ёруғ тонглари учун хизмат қилиб юрибмиз-да, бу биз учун юксак шараф, — дейди бизни ичкарига бошлаган майор Нодир Авазов. Унинг фахрланганича бор. Юртимиз тонглари тиниқ, осмони мусаффо. Бу мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз тотувлиги кўзгуси. Шу омиллар туфайли барча соҳаларда ўсиш, ўзгаришлар бўлмоқда. Ўзбекистон жаҳон майдонда обрў-эътибор қозонмоқда. Халқимиз фаровонлиги юксалиб бормоқда. Буларнинг барчасида Ватан ҳимоячиларининг муносиб ўрни бор. Шу боис ҳам улар халқимиз ардоғида, давлатимизнинг доимий эътиборида. Бунинг ҳарбий қисмлардаги шароитлар, аскар ва офицерларнинг кундалик ҳаёти мисоллар ҳам кўриш мумкин. Биз борган ҳарбий қисмда ҳам аскарларнинг хизматни ўташи ва яшаш учун барча шароитлар яратилган. Ўқув хоналари зарур кўрғазмалар курулган, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган. Спорт майдончаси, маънавий-маърифий тайёр-

гарлик хонаси муддатли ҳарбий хизматчиларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда. Аскарлар ётоқхонаси кишининг ҳавасини тортади. Хоналар кенг ва ёруғ, ҳамма жой саранжом-сарилта. Ётоқхона муҳити, файзи илгариги қазармалардан бутунлай фарқ қилади. Телевизор, радио, газета ва журналлар, китоблар, шахмат-шашка, ҳатто, аквариумгача бор. ...Ховлига чиқганимизда аскарлар саф қўшигини айтиб машғулотларга тарқалаётган экан. Уларнинг ўқтам овозларидан ўзига ишончи, бурчига садоқати сезилди. Шаҳдам қадамлар зарби қўшиқларга жўр бўлади. **Қўлимизга туттаймиз қурол, Бурчимизни ўтаймиз ҳалол, Кўкрагимиз қалқон ҳамиша, Ватанимиз кўрмагай заво.** (Давоми 2-бетда)

МИКЛОШ ЯЦКОВИЧ: «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ОБРЎСИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА»

Мамлакатимизда ўтган йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда халқаро кузатувчи сифатида қатнашган Венгрия вакили, собиқ дипломат Миклош Яцкович ўзининг мамлакатимиздаги миссияси якунлари юзасидан «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига интервью берди.

— Мазкур муҳим сиёсий тadbирда халқаро кузатувчи бўлиб бевосита қатнашган хорижий вакил сифатида шуни қайд этишни истар эдимки, сайловлар демократиянинг очиқлик ва ошқоралик тамойилларига тўла мувофиқ равишда ўтди, — деди у. — Сайловчиларнинг фаоллиги ва сайловлар ташкилий жиҳатдан бекаму кўст уюштирилганлиги овоз беришининг юқори даражасини таъминлади. Мустақил тараққиёт йиллари давомида Ўзбекистон халқаро меъёрларга мувофиқ равишдаги миллий сайлов тизimini ҳамда ўзининг сайловларга доир қонунчилик базасини шакллантиришга муваффақ бўлди. Сайлов жараёнида фуқароларнинг кенг ва эркин иштирок этишлари учун зарур бўлган барча шароитлар яратилди. Бу Ўзбекистонга биринчи ташрифим эмас — мен мамлакатимизда бундан қарийб ўн йил аввал ҳам бўлган эдим. Комил ишонч билан шуни айтишим мумкинки, ўтган йиллар давомида давлат қурилиши ҳамда иқтисодийнинг турли жабҳаларида муҳим ва улкан ижобий ўзгаришлар рўй берганига ғувоҳ бўлдим. Дарҳақиқат, эришилган натижалар кишида катта таассуротлар қолдиради. Дипломат сифатида яна бир муҳим жиҳатни, яъни Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўси тобора ошиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлашни истар эдим.

«Жаҳон» АА

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган сўнгили кабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Самарқандда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Менинг ўғлим — Ватан ҳимоячиси» мавзусида байрам тadbири ўтказилди. Телемулоқот тарзида ташкил этилган учрашувда Хоразм вилоятида йигитлик бурчини ўтаётган самарқандлик аскарларнинг ота-оналари ҳамда Хоразмдан Самарқандга келиб ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар иштирок этди.
- Андижон вилояти хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт, мудофаа ишлари бошқармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида аскар оналарини шарафлашга бағишланган маданий-маърифий тadbир бўлиб ўтди.
- Наманган тумани маркази — Тошбулоқ шаҳарчасидаги болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 150 ўринга мўлжалланган санъат мактабида иқтидорли ёшларнинг ўзлари қизиққан йўналиш бўйича қобилиятини ўстириши, таълим жараёнларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш учун барча шароит муҳайё этилган.
- Термизда қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тadbирда намунавий турар жой биноси учун сарфланадиган маблағларнинг шаклланиши, лойиҳада иштирок этувчи ташкилотлар ва уларнинг вазибалари, лойиҳани амалга ошириш жараёни, уй-жойга талабгорларни танлаш, тендер савдоларини ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.
- Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари учун янги гуруҳ қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги уйда ҳарбийларнинг оила аъзолари учун барча шароит яратилган.

ЖАҲОНДА

- Синоптиклар сайёрамиз миқёсида янги об-ҳаво рекордини қайд этдилар. Ўтган йилнинг июнь ойи метеокузатишлар тарихида энг иссиқ ой бўлди. Янги кўрсаткич Фаренгейт шкаласи бўйича 61,2 даражани ташкил этди. Океанлар атмосферани татқиқ этиш бўйича АҚШ миллий бошқармаси маълумотларига кўра, аввалги рекорд 2010 йилнинг июнь ойида қайд қилинган.
- АҚШ Олимпия кўмитаси Бостон шаҳрини 2024 йилги ёзги Олимпиада ўйинларини қабул қилишга номзод шаҳар сифатида расман эълон қилди. Таъкидлаш жоизки, 2024 йилги олимпиадани ўтказиш истагини яна ўн иккита мамлакат билдирган. Санкт-Петербург, Киев, Берлин, Истанбул, Мельбурн, Найроби ва Йоханнесбург бу борада Бостон шаҳрининг асосий рақиблири ҳисобланади.
- Италия полицияси мамлакат бўйлаб томоша уюштириб юрадиган сайёр цирк бошлиғи одамларни алдаб юрганини фoш этди. У ўз циркида панда ўрнига шу рангларда бўялган иккита чау-чау зотига мансуб итлардан фойдаланган. Полиция бу итлар ҳам ноқонуний равишда Италия ҳудудида олиб келинганини аниқлади. Айни пайтда мамлакат полицияси сайёр цирк бошлиғига нисбатан жиноий иш очган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси бўйича банк тизимида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

БАНК КРЕДИТЛАРИ — ФАРОВОН ТУРМУШГА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департаменти директори А.Қосимов ва бошқалар мамлакатимиз банк-молия муассасалари томонидан хотин-қизларнинг уй-рўзгор юмушларини енгилаштириш, ёшлар, айниксан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тadbиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш, ёш оилаларнинг уй-жой шароитини яхшилашга кўмаклашиш орқали оилалар турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар бажарилганини таъкидлади. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар доирасида 2014 йил давомида 4 триллион 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдорда маблағлар ўзлаштирилди, шундан банк кредитлари 1 триллион 810,6 миллиард сўмни ташкил этиши кўзда тутилган эди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини имтиёзли шартлар асосида молиялаштиришга 200,9 миллиард сўм ёки Давлат дастурида кўзда тутилган прогностга нисбатан 1,7 баробар кўп сармоя ажратилди. Хотин-қизлар тadbиркорлигини ташкил этиш мақсадида сарфланган ушбу маблағлар кўп қисми ёшларнинг бизнес лойиҳаларини ривожлантириш, оилавий фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиш билан бир қаторда 250 миңдан зиёд янги иш ўрни яратишда кўл келди. Дастур доирасида хотин-қизларнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, банклар то-

монидан аёлларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш ва уй-рўзгор буюмлари сотиб олиш учун 57,3 миллиард сўм миқдорда истеъмол кредитлари ажратилди. Шу билан бирга, қатор танловлар ўтказилиб, голибларга имтиёзли сармоялар ажратилди. «2014 йилнинг энг яхши тadbиркор аёли» танловида эллика яқин ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа эгаларига қимматбаҳо совғалар ва 3,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. «Қорақалпоғистонлик аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш» лойиҳаси доирасида юздан ортқ кам таъминланган оила аёлларининг иқтисодий билимини ошириш ва бизнес-режа тайёрлаш борасида ўқувлар ташкил этилди. Қишлоқ аҳолисини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, уларнинг маиший турмуш даражасини ошириш ҳам доимий эътиборда. Шу мақсадда намунавий лойиҳалар асосида замонавий турар жойлар, ҳар бир вилоятда ёш оилалар учун «Камолот» уйлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Минглаб ёш оилалар банкларнинг имтиёзли ипотека кредитидан фойдаланиб, уй-жой харид қилиш, қуриш ва таъмирлашга муваффақ бўлди. Тadbирда Кексаларни эъозлаш йилида ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни молиявий кўллаб-қувватлаш борасида тузилган режалар юзасидан маълумотлар берилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисини қақириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссияси томонидан қақирилади. Марказий сайлов комиссиясининг парламент куйи палатасининг биринчи мажлисини 12 январь куни Тошкент шаҳрида қақириш ва унинг кун тартибига ташкилий масалаларни киритиш тўғрисида қарор қабул қилди. (ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING БИРИНЧИ МАЖЛИСINI ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 10-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2015 йил 12 январь куни Тошкент шаҳрида қақирилсин. 1.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси 2015 йил 12 январь куни Тошкент шаҳрида қақирилсин. 2.Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси
М.АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 8 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БИРИНЧИ МАЖЛИСINIНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси 12 январь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносида очилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисига келган депутатлар 10-11 январь кунлари соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Ватан — улуг, бурчим муқаддас

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу йил Ватан ҳимоячилари кунни мамлакатимизда «Ватан — улуг, бурчим муқаддас» шiori остида нишонланмоқда.

Харбий қисмининг маънавий-маърифий тайёргарлик хонасида китоб ўқиб ўтирган аскарлар билан сўбатимиз ҳам шу ҳақда бўлди.

— Шу юрт бизни ўқитди, вояга етказди, — дейди фарғоналик оддий аскар Нодир Мамадалиев. — Бундан кейинги ҳаётимиз ҳам шу Ватан билан боғлиқ.

— Телевизорда кўраман: дунёнинг қанча жойларида уруш, тўполонлар бўляпти, — дейди самарқандлик оддий аскар Исроил Мардаев. — Шаҳарлар вайронга айланган, одамлар уй-жойидан, яқинларидан айрилипти.

— Бурч жуда оғир нарса, дердилар бобом. Уни одам бутун умри давомида ўтаркан. Бир йил харбий хизмат бунинг олдида нима деган гап?!

«Ватанга хизмат қилишининг йўллари, имкониятлари кўп. Нима учун айнан харбийликни танлагиниз?», деб сўраймиз йигитлардан.

— Аскарлик соғломлик белгиси, — дейди қашқадарлик оддий аскар Дилмурод Раҳимов. — Жисмонан ва интеллектуал жиҳатдан камолга етган йигитлар харбий либос кия олади.

— Армия ҳаёт мактаби деганлари тўғри экан, — дейди наманганлик оддий аскар Достон Султонов. — Бу ерга келиб оқ-қорани танидик, тартиб-интизомга ўргандик.

лиқни ҳам ўрганиб олдик. Энди ўзимизни ўзимиз эплаймиз, бошқаларга ёрдам бера оламиз.

— Армия бизни дўстлаштирди, бирлаштирди, — дейди навоийлик оддий аскар Рустам Сайфуллаев. — Деярли ҳамма вилоятлардан хизматдошларимиз бор.

— Мен собиқ тузум даврида, узок ўлкаларда хизмат қилганман, — дейди Мансур Юсупов. — Биз қарама-қарши бўлиб турганман, лекин аввал бизнинг ошдан еб кетасизлар, — деди майор.

— Мен собиқ тузум даврида, узок ўлкаларда хизмат қилганман, — дейди Мансур Юсупов. — Биз қарама-қарши бўлиб турганман, лекин аввал бизнинг ошдан еб кетасизлар, — деди майор.

— Мен собиқ тузум даврида, узок ўлкаларда хизмат қилганман, — дейди Мансур Юсупов. — Биз қарама-қарши бўлиб турганман, лекин аввал бизнинг ошдан еб кетасизлар, — деди майор.

— Мен собиқ тузум даврида, узок ўлкаларда хизмат қилганман, — дейди Мансур Юсупов. — Биз қарама-қарши бўлиб турганман, лекин аввал бизнинг ошдан еб кетасизлар, — деди майор.

— Мен собиқ тузум даврида, узок ўлкаларда хизмат қилганман, — дейди Мансур Юсупов. — Биз қарама-қарши бўлиб турганман, лекин аввал бизнинг ошдан еб кетасизлар, — деди майор.

— Мен собиқ тузум даврида, узок ўлкаларда хизмат қилганман, — дейди Мансур Юсупов. — Биз қарама-қарши бўлиб турганман, лекин аввал бизнинг ошдан еб кетасизлар, — деди майор.

— Мен собиқ тузум даврида, узок ўлкаларда хизмат қилганман, — дейди Мансур Юсупов. — Биз қарама-қарши бўлиб турганман, лекин аввал бизнинг ошдан еб кетасизлар, — деди майор.

ТИНИҚ ТОНГЛАРИМИЗ ҲИМОЯЧИЛАРИ

қур таҳлил этишга қодир, тезкор қарорлар қабул қила оладиган, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга офицер кадрлар тайёрланмоқда.

Муддатли харбий хизматта чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, шартнома асосида хизмат қилувчилар сафининг кенгайтигани, сафарбарлик чақирuvi резервидаги харбий хизматнинг жорий этилгани натижасида армиямизнинг қиёфаси, харбий жамоалардаги маънавий муҳит тубдан ўзгарди.

Ватан ҳимоячилари муддатли харбий хизматдан кейин ҳам эътиборсиз қолаётгани йўқ. Уларнинг олий таълим муассасасига ўқишга кириши ёки ишга жойлаштиришга қўмақлашилмоқда.

Муддатли харбий хизматни ўтаган ва харбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган аскарлар олий ўқув юртинининг тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдоридида имтиёзли баллга эга бўлмоқда.

...Кун чошгоҳдан оғди. Тушликка тайёргарлик бошланди. Харбий қисм навбатчиси оддий аскар Азизбек Юсуповнинг ота-онаси келганини хабар қилди.

Майор Авазов бизни улар билан сўбатлашишга чорлади. Борсақ, Мансур ака ва Барно опалар ўғлидан армиядаги шароитларни, хизмат қандай кечяётганини сўраб турган экан.

— Рухсат керак бўлса берамиз, лекин аввал бизнинг ошдан еб кетасизлар, — деди майор.

— Рухсат керак бўлса берамиз, лекин аввал бизнинг ошдан еб кетасизлар, — деди майор.

— Рухсат керак бўлса берамиз, лекин аввал бизнинг ошдан еб кетасизлар, — деди майор.

— Рухсат керак бўлса берамиз, лекин аввал бизнинг ошдан еб кетасизлар, — деди майор.

— Рухсат керак бўлса берамиз, лекин аввал бизнинг ошдан еб кетасизлар, — деди майор.

— Рухсат керак бўлса берамиз, лекин аввал бизнинг ошдан еб кетасизлар, — деди майор.

— Рухсат керак бўлса берамиз, лекин аввал бизнинг ошдан еб кетасизлар, — деди майор.

— Рухсат керак бўлса берамиз, лекин аввал бизнинг ошдан еб кетасизлар, — деди майор.

— Рухсат керак бўлса берамиз, лекин аввал бизнинг ошдан еб кетасизлар, — деди майор.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАННИНГ 2015 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 31 декабрь, 52-(1)-сон) 28, 99-моддалари, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджетни, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги СК-453-II-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги ПК-2270-сонли қарори («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2014 йил 15 декабрь, 50-сон, 590-модда), халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2014 йил 10 декабрдаги «Тошкент шаҳрининг 2015 йилги маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида»ги 334/4-40-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 23 декабрдаги 1053-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ва туман молия бўлимининг 2014 йил 25 декабрдаги 03-03/68 сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 23 декабрдаги «Тошкент шаҳрининг 2015 йилги маҳаллий бюджетни параметрлари тўғрисида»ги 1053-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар: Шайхонтоҳур туманининг 2015 йилги маҳаллий бюджетни асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёрлари 2-иловага мувофиқ;

Туман маҳаллий бюджетининг 2015 йил учун айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шайхонтоҳур туман маҳаллий бюджетининг 2015 йил учун аниқлаштирилган асосий параметрлари қуйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

даромадлар – 84 961 774,0 минг сўм; харажатлар – 84 961 774,0 минг сўм.

4. Туман ҳокимлиги молия бўлимига 2015 молия йили давомида: туман маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатлари қисмига ўзгартиришлар киритиш туман ҳокимлигининг молия бўлими тақдиминомасига кўра туман ҳокимининг қарори асосида амалга оширилсин.

5. Шайхонтоҳур туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (Х.Шермухамедов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Компьютерлаштириш маркази» ДУКнинг Шайхонтоҳур туман тармоқ администратори (Н.Насириллаев): «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мазкур қарорнинг расмий эълон қилиниши ва www.shayxontohur.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Туман ҳокимининг 2013 йил 31 декабрдаги «Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2013 йил 28 декабрдаги «Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетни тўғрисида»ги 278/4-32-сон қарори юзасидан» 525-сонли қарори ўз кучини йўқотади.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Махамедов ва туман ҳокимининг ўринбосари К.Захидов зиммаларига юклансин.

Шайхонтоҳур тумани ҳокими М.Мирқосимов

2014 йил 30 декабрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Болалар спорти

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР РЎЁБИ

Пойтахтимизда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 200 мингдан зиёд ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, касб-хўнара эгаллашига кенг имконияти яратишга доимий эътибор қаратиб келинаётир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишловлар халқимизнинг ҳеч қандай кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда эзгу мақсадни рўёбга чиқаришда муҳим омили бўлмоқда. Бу жараёнда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти ўғил-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштиришда беқиёс аҳамият касб этаётди.

Жамғарманинг Тошкент шаҳар филиали томонидан таълим масканларида билим олаётган ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида спорт билан мунтазам равишда шуғулланиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда уларни спорт мусобақаларига оммавий тарзда жалб қилиш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

2014 йилда филиал томонидан қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Соғлом фарзанд — юрт келажаги», «Гимнастика барча учун», «Соғлом аёл — соғлом жамият», «Болалар лигаси», «Баҳор оилаликлари», «Кўнрақ спортлар», олимпиавий спортни оммалаштириш мақсадида «Отам, онам ва мен — спортчи оила», «Она соғлом бўлса, фарзанд соғлом бўлади», «Куч бирликда» ва «Соғлом юрт, соғлом келажак» каби спорт тадбирлари ва мусобақалар сарамали ташкил этилди. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан барча умумтаълим мактабларида мавжуд спорт секцияларидан ташқари қўшимча 1-4-синф ўқувчилари учун шахмат, шашка, 5-9-синф ўқувчилари учун стол теннис ва бадминтон тўғрақлари ташкил қилиниб, уларга ўқувчи-ёшлар жалб этилди.

Бундай кенг имкониятлар ўқувчиларнинг спортга бўлган қизиқшини янада ошириш, уларнинг соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етишига хизмат қилмоқда, спорт билан шуғулланаётган ўшлар сафи тобора кенгайиб, ёшлар эришаётган ютуқлар салмоғи муттасил ортмоқда. Бундан пайтахтимиздаги 11-болалар ва ўсмирлар спорт макта-

би фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мазкур мактаб 2013 йилда амалга оширилган капитал реконструкция ишларидан сўнг замонавий қиёфа касб этди. Ушбу муассасада яққураш спорт турига мўлжалланган аккита зал, ювиниш, кийим алмаштириш хоналари, спорт жиҳозлари, тренажёрлар болалар ихтиёрида.

Мактабда ташкил этилган миллий ва белбоғли кураш, турон яққураши, дзюдо, эркин ва юнорум кураши ва таэквондо (WTF) секцияларида 600 нафардан зиёд ўғил-қиз спорт машғулотларига жалб этилган. Бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 7 фоизга ўсган. Мактаб тарбияланувчилари 2013 йилда мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда жами 50 медални қўлга киритган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 60 дан зиёддир ташкил этди.

— Ўтган йили мактабимизда жисмоний имконияти чекланган болаларни спортга жалб этиш мақсадида махсус бўлим фаолиятини йўлга қўйдик, — дейди мактаб директори Улуғбек Раҳмонов. — Бу ўз натижасини бераётди. Арманистоннинг Ереван шаҳрида ўтказилган эркин кураш бўйича заиф аши-тувчи ёшлар ўртасидаги биринчи халқаро турнирда мактабимиз тарбияланувчиси Дониёр Яҳёев кумуш медални қўлга киритган бўлса, Акрон Ўзбекивон бронза медал билан тақдирланди.

Мактабдаги мураббийларнинг асарияти олий маълумотли мутахассислардир. Темир Нуруллаев, Мурод Дўсимбетов, Усмон Махаматов, Ирина Пан, Наргиза Бафоева сингари тажрибали мураббийлардан спорт сирларини ўрганаётган ёшлар мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқда. Мактаб тарбияланувчилари орасидан спортнинг эркин кураш тури бўйича Азиза Мустақова, Зухра Отамуродова, Дилноза Мўминова, таэквондо (WTF) бўйича Влада Пан, Адел Устименко каби мамлакат миқёсидаги мусобақаларнинг голиби ва совриндорлари этишиб чиқмоқда.

— Спорт инсоннинг иродасини тоблайти, характерини тарбиялайди, ўз олдига юксак мақсадларни қўйиб, унга эришиш йўлида барча қийинчилик ва машаққатларни енгишга ўргатади, — дейди ЎЗА муҳбирига таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон чемпиони Влада Пан. — Биз, ёшларнинг спорт билан шуғулланишимиз, ўз иқтидоримизни намоён этишимиз учун кенг имкониятлар яратилгани бизни яқиндан-яқин галабаларга руҳлантиради. Тадбир давомида болажонлар учун мактаб интернати педагог ходимлари томонидан тайёрланган «Сехрланган арча» номли театр-

Республика рассомлик коллежида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Истикболли авлод» ижтимоий-ахборот марказининг шаҳар бўлими ҳамкорлигида «Биз одам савдосига қаршимиз» мавзuida расмлар кўрик-танлови ўтказилди.

Танловлар ЁШЛАРИНИҲ ҚУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА



Танловда мазкур ўқув муассасаси ўқувчилари томонидан чизилган 63 та ижодий ишлар ҳайбат аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва улардан 18 таси тақдирланишга муносиб деб топилди.

— Ушбу танловни ўтказишдан мақсад ёшларнинг ижодий салоҳиятларидан фойдаланган ҳолда уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамият учун долзарб бўлган одам савдоси муаммосининг олдини олиш ишларида иштирок этиш учун уларни жалб этишдир, — дейди Республика рассомлик коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Сарвар Эгамов биз билан сўбатда.

— Танловни ўтказишдан ёшларда одам савдосига қарши курашишга қаратилган фаоллиқни шакллантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини қадрлашни тарғиб қилиш, ўқувчиларни ўз келажагига нисбатан масъулият руҳида тарбиялаш ва ижодий салоҳиятларини намоён этишга имкон яратиш каби мақсадлар қамраб олинган.

Кўрик-танлов икки босқичда ташкил этилиб, биринчи босқичда иштирокчилар мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш йўналиши бўйича қабул қилинган Қонун ва қонунности ҳужжатлари, одам савдоси муаммоси, унинг келиб чиқиш сабаблари, оқибат-

лари, жабрланувчилар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди ва буни расмларда тасвирлаб беришди.

Ғолиблар Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар кўмитаси, «Истикболли авлод» шаҳар маркази томонидан совғалар билан тақдирланди.

— Мениннг ушбу танловда голиб чиқишим нафақат ўзим, балки ўқув масканимизда бизларга сабоқ бераётган устозларимиз самарали меҳнатларининг инфо-дасидир, — дейди Юнусали Муродов. — Келажақда моҳир рассом бўлиб етишмоқчиман. Бундай танловлар биз ёшларни рағбатлантириш билан бирга, ўз мутахассислигимиз бўйича олаётган билимларимизни ҳам мустаҳкамлаб боради.

Ха, ёшлар ўртасида ўтказилаётган ҳар қандай танловнинг негизидида ўзига хос мазмун ва моҳият мўжасам. «Биз одам савдосига қаршимиз» мавзuidaги танлов ҳам ёш авлодни оғоҳликка, атрофга янада теран нигоҳ ташлашга чорлаш баробарида муқаддас заминимизнинг нечоғлиқ азиз ва муқаррам эканлигини уларнинг онгига муҳрлаб боради.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА: танловдан лавҳа Ислам Исмоилов олган сурат

БОЛАЖОНЛАРГА МАНЗУР БЎЛДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан «Камолот»дан янги йил! лойиҳаси доирасида 66-маҳсус мактаб интернати тарбияланувчилари ҳамда имконияти чекланган оила фарзандлари учун «Камолот» Сиз билан бирга» тадбири ташкил этилди.

Тадбир давомида болажонлар учун мактаб интернати педагог ходимлари томонидан тайёрланган «Сехрланган арча» номли театр-

кўрсатишди. «Камалак» юлдузлари» болалар ижодиёти фестивали голиблари ҳамда эстрада хонандалари, мактаб тарбияланувчилари иштирокида концерт дастури билан манзур бўлди.

Тадбир якунида болажонларга туман Кенгаши томонидан ва тумандаги ўрта махсус ўқув юрталари бошланғич ташкилот етакчилари томонидан тайёрланган янги йил совғалари тақдим этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Ўзбекистон

5.55 Курсатувлар дастури, 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!», 7.00 Миллий сериал: «Чемпионлик орузи», 7.30 «Замин гаройиботлари», Х/ф, 8.00 «Тахлилнома», 8.40 «Африка табиати», Х/ф, 9.30 «Бизнес-старт», 9.55 «Муъжизалар макони», 10.20 «Рухшунос», Т/с, 11.00 «Ахборот», 11.10 «Ватанпарвар», 11.55 «Иклим», 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!», 13.00 «Комиссар Рекс», Т/с, 13.50 «Табият китоби», 14.00 «Ахборот», 14.15 «Худоят сари», 14.45 Миллий сериал: «Сардор», 15.25 «Ер сайёраси», Х/ф, 15.50 «Заковат», 16.50 «Япон боғи», 17.00 «Ахборот», 17.10 «Сухбатдош», 17.20 «Агроолам», 17.40 «Корачик», 18.00 «Кўнгил қўшиқ истади», 18.15 «Иклим», 18.20 «Имонкият», 18.40 «Доктор Хаус», Т/с, 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар, 19.30 «Ахборот» /рус/, 20.05 Миллий сериал: «Опасингиллар», 2-фасл, 21.00 «Ахборот», 21.40 Ватан хомиячилари кунига «Муносабат», 22.20 «Кўнгил қўшиқ истади», 22.30 – 00.15 «Орзулар изтироби», Б/ф, 00.15 «Иклим», 00.20 Миллий сериал: «Опасингиллар», 1.00 «Ахборот» /рус/, 1.30 Миллий сериал: «Сардор», 2.10 «Агроолам», 2.25 ТелеТрагедия: «Коматингдан ўргилиш», 1-қисм, 3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!», 4.00 «Ахборот», 4.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орузи», 5.10 – 5.55 Ватанпарвар.

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри», 6.10 «Тараннум», 7.00 «Канизак Изаура», Т/с, 7.50 «Ешлик наволари», 8.10 «Исплан афсонаси», Т/с, 9.30 «Сув остига саёхат», 9.50 «ЎзЕХ», 10.00 «Камолот-инфо», 10.10 «Сардор-3», Т/с, 11.00 «Ёшлар тарбиясида маҳалланинг ўрни», 11.20 «Муъжизавий дунё», 12.10 «Салтанат сирлари», Т/с, 13.00 «Давр», 13.10 «Доктор Куинн», Т/с.

